

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgtz.uz

www.adolatgtz.uz

www.adolat.uz

№ 21 (932)

2013-yil, 24-may, juma



«Электрон ҳукумат»:

очиқлик, ошкоралик, ҳисобдорлик

Видео-конференция

Демократлашув жараёнларини фаоллаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқ, ошкоралиги ва ҳисобдорлиги муҳим аҳамиятга эга. Ана шу принципларнинг ҳаётда ўз аксини топиши фуқароларнинг давлат ва бошқарув органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, ахборот олишни, оддий одамларнинг оғирини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Электрон ҳукумат» тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш масаласига алоҳида ургу бериб ўтилди.

Бу Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида ҳам янги вазифа-

ларни қўйиб, партиянинг дастурий вазифаларини амалга ошириш йўналишларини аниқлаштириб берди. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши фуқаролар ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ўзаро ахборот алмасувини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жамоатчиликнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириб, уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ва таъсир доирасини кенгайтириб беради. Шундан келиб чиқиб, бугунги босқичда



«Электрон ҳукумат» тизимининг мазмуни, истиқболлари ва имкониятлари, унинг жорий этилишидан кутилаётган натижалар тўғрисида аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиш вазифаси партия олдида долзарб масала сифатида қўйилмоқда.

Яқин-яқингача маълумотларни фуқароларга етказиш пассив, номунтазам кечар ва одатда бунинг учун ОАВдан фойдаланиларди. Фуқаролар янги қонунлар ва ҳукумат кўрсатмалари ҳақида газета, телевизор, радиодан маълумот олишарди, лекин бу ҳужжатлар ўзларига зарур бўлиб қолганда улар билан танишиб чиқиш имкониятига эга эмас эдилар. Маълумотлар очиқ бўлмагани ва давлат идораларининг айрим вакиллари бу маълумотларни беришдан манфаатдор эмаслиги сабабли фуқаро ҳатто ўзи учун қонуни белгиланган бирон имтиёз ёки тўловдан ҳам беҳабар қолиши мумкин эди. Токи бундай муаммолар бутунлай ўтмишда қолиб кетиши учун давлат идорасининг бутун хизматлари, меъёрий-ҳуқуқий маълумотлар



руйхати ҳаммага ва ҳар бир фуқарога исталган маҳал очиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар технологиялари Давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Республика Марказий банки ҳамкорлигида ташкил этилган «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш — давлат ҳокимияти очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзусидаги республика видео-конференцияси ушбу дастурий

гояларнинг амалдаги ифода-си бўлди.

«Uztelecom» ҳудудий филиллари орқали вилоятлар билан бевосита боғланиш имкониятини яратган видео-конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти, тижорат банклари, олий таълим муассасалари, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва мутахассислари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари иштирок этдилар.

3 ➤

Маҳалла фаровонлигини таъминлашда

хотин-қизлар фаоллиги янада ошади

«Адолат»нинг адолатли аёллари

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги мажлислар залида парламент қуйи палатасининг 2013 йилга мўлжалланган иш фаолияти дастурида белгиланган «Маҳалла фаровонлигини таъминлашда хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Уларда фракция аъзолари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳудудий бирлашмаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Камолот» ЁИХ, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоятлардаги масъул раҳбар ходимлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

2 ➤

Талаб ва таклиф мутаносиблиги йўлида дадил қадам

Муносабат

Юртимизда келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Жумладан, балоғат ёшига етган йигит-қизларимизнинг меҳнат ҳуқуқлари доимо қонун ҳимоясида бўлиб келмоқда.

Айни пайтда бу соҳа доимий эътиборда бўлиб қолмоқда, фаолиятни янада такомиллаштириш, замон талабига мос янгидан-янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан мунтазам равишда чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қуни кеча матбуотда эълон қилинган «2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хуна таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарори ҳам мана шундай эътиборнинг амалдаги кўринишидир.

Шубҳасиз, тараққиёт, илм-фан ва инновацион техноло-



3 ➤

Муҳокамада янги қонун лойиҳалари

Қонунчилик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Турсунов олиб борган мажлисда фракция аъзолари, Қонунчилик палатаси қўмиталари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъул раҳбар ходимлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳанинг асосий мақсади кўчар мол-мулкдан таъминот сифатида фойдаланиш ва тижорат банклари томонидан гаровга олинган мол-мулк асосида кредит бериш борасидаги қалтисликларни камайтириш ҳисобига кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар аж-

ратишни янада кенгайтириш ҳамда кредитлаш жараёнини такомиллаштиришдан иборат.

Лойиҳа қабул қилинса, молиявий хизматлар бозорига миқозларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш ва рақобатни кенгайтириш имконини беради ҳамда энг юқори халқаро стандартларга мувофиқ замонавий бозор инфраструктураси шаклланиши учун шароит яратади.

4 ➤



Боғдорчиликда ноёб технология

Инновация

Сўнгги йилларда мамлакатимизда интенсив боғлар барпо этишга эътибор қаратилиб, соҳа истиқболини таъминловчи янгилеклар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

ҳамда 2008 йил 20 октябрда имзоланган «Ўзиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

фармонлари мамлакатимизда мева-сабзавот, узум етиштириш ва уларни комплекс қайта ишлашни йўлга қўйиш, бу борадаги ишлар самарадорлиги ва сифатини янада ошириш ҳамда экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

5 ➤

Сиёсат

Маҳалла фаровонлигини таъминлашда

хотин-қизлар фаоллиги янада ошади

Давоми. Боши 1-бетда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, фракция раҳбари Собир Турсунов мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ чора-тадбирлар изчил амалга ошириляётганини, саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, бугун хотин-қизларнинг юртимиз тараққиётидаги хиссаси тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси, ҳаёт сифатини янада ошириш, оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уй-рўзгор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший инфратузилмаларни яратиш муҳим йўналиш сифатида белгиланган, — деди С.Турсунов ўз сўзида. — Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятда тугган ўрни ва мавқеини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли тadbирлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Эътиборга молик томонини шундаки, нафақат шаҳар, балки қишлоқ жойларида ҳам хотин-қизларнинг фаоллиги тобора ортиб бораётти. Улар жамоат ишларида фаол қатнашиш билан бирга, иқтисодий-иқтисодий етакчи тармоқларида, тadbиркорлик ва бизнес соҳаларида ҳам муносиб ўрин эгаллашмоқда.

Бугун Жиззах вилоятида аниқ чора-тадбирлар изчил амалга ошириляётгани, жумладан, вилоятдаги 304 та маҳалладан 247 тасида маҳалла раисининг диний ва маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари аёллардан иборат эканлиги, шу билан бир қаторда, вилоятдаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган 20 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётганини бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси Зухра Ботированинг «Маҳалла фаровонлигини таъминлашда хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусидаги маърузаси иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Маърузачи томонидан мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ушбу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, нотик ўз сўзида



ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўйбга чи-

қаришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттириляётганилиги ва бунинг натижасида давлат бошқаруви демократлаштирилиб, ҳокимият органлари ваколатига кирувчи ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги 30 дан ортиқ вазибалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар иштироғига ўтказилганлигига барчанинг эътиборини қаратди.



қаришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттириляётганилиги ва бунинг натижасида давлат бошқаруви демократлаштирилиб, ҳокимият органлари ваколатига кирувчи ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги 30 дан ортиқ вазибалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар иштироғига ўтказилганлигига барчанинг эътиборини қаратди.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
«Аёллар қаноти» Кенгаши
раиси:



— Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида турмушимизни янада обод қилиш вазибаларини олдимишга кўра қарай, бунинг учун энг аввало, маҳалла ободлигига эришиш лозимлигини алоҳида қайд этган эди. Бу эса, фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштиришни ҳамда маҳалла институтининг ижтимо-

давлат тараққиёти, хусусан, худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва ролинини оширишда, айниқса, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришда аёлларнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади. Зеро, адолатга мойиллик аёллар табиғати хос хусусиятидир. Шу нуқтага назардан, истиқлол йилларида қабул қилинган маҳаллалар ҳамда аёллар фаолиятига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ижтимоий-сиёсий аҳамияти хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш вазибалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин муносабатларини таъминлашга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Жорий йилнинг 23 апрелида кучга кирган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун мазкур ташаббусларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва уқиб шароитларини янада яхшилаш, аёлларни тadbиркорлик фаолиятига, жумладан,

оилавий тadbиркорликка, касаначилик соҳасига кенг жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш, жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) аёлларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилган ишларни янада кучайтиришда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг иштироки йилдан-йилга кенгаймоқда. Айтиш жоизки, «Адолат» СДП аъзоларининг 49 фоизига яқинини аёллар ташкил қилиши партиянинг ушбу йўналишдаги вазифалари ижросида дахлдорлиги ва масъулиятини янада оширади.

Партиянинг Аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлими

аёл тadbиркорлар бошқараётганини алоҳида эътироф этди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шахло Аҳророванинг «Соғлом аёл — соғлом миллат яратувчиси» мавзусида маърузаси тингланди. Унга кўра, Жиззах вилоятида хотин-қизларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятидаги ўрни, жумладан, Жиззах шаҳридаги аёллар ва ёшларни турли касбга йўналтиришда, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда ёрдам кўрсатиб келаётган «Қалб нури», Пахтакор туманидаги «Имкон» марказлари фаолияти юзасидан маълумотлар берилди.

Хоразмда шундай фаоллар бор

БПТ — партия таянчи

— Ҳар бир партиядошимиз ўз ўрнини доимо илғорлар қаторида билиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқда, — дейди «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раис ўринбосари Жалилбек Мадаминов.

Дарҳақиқат, буни бошланғич партия ташкилотлари фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Хазорасп туманидаги «Саяпир» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган БПТ етакчиси

Овдон Нияздурдиева бошчилигидаги фаоллар маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлашга кўмаклашишга жиддий бел боғлашган. Тарғибот-ташвиқот тadbирлари орқали партия гоялари аҳолига кенг

тарғиб қилиниши натижасида туманда «Адолат»нинг фаол аёллари сафи кенгаймоқда. Партия фаолларининг аёлларга касаначилик, унарманчилик, оилавий бизнесни йўлга қўйишда кўрсатаётган йўл-йўриқ ва маслаҳатлари ўз самарасини бераётти.

Моҳир тикувчи Меҳрибон Матқаримова куйи бугун фаоллари қўмағи билан касаначиликни йўлга қўйган тadbиркор аёллардан. Ҳозирда «Адолат» партиясининг аъзоси бўлиши бу аёл 30 нафарга яқин хотин-қизларга ўз касбининг сир-асрорларини ўргатмоқда. Ҳуддан

ортиқ аёллар яхши маош тўланадиган доимий иш билан банд. Бошланғич ташкилотнинг яна бир жонқури Каримбой Искандаров туман ободонлаштириш ишларида ҳаммаша фаоллар сафига оради.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини улар ташкил қилаётган тadbирлар қўламининг кенглиги, мавзулар хилма-хиллигида ҳам кўриш мумкин.

Урганч шаҳар 1-сон болалар поликлиникасида ташкил этилган БПТ раиси Муқаддас Аллаберганова, Янгібозор туман Марказий шифохона БПТ раиси Моҳира Файзуллаева партия

аъзолари билан биргаликда жойларда «Соғлом она — соғлом бола», «Репродуктив саломатлик», «Эрта турмуш курманг», «Соғлом оила — жамият» ишларида маҳаллий ҳокимият давра сўбатлари, тadbирлар ташкил этилиши мумкин.

— Яна бир мақтовга арзигулик куйи бугунимиз бор, десам мақтанмишга йўйманг, — дейди Ж.Мадаминов. — Урганч туман «Барқамол авлод» болалар ижодиёт маркази директори, БПТ раиси Хударган Қозоқов етакчилигидаги фаоллар партия нафаси билан яшамоқда, десам муболага бўлмайди.

25 — май Халқаро Қалқонсимон без кунни

Инсон организмда йод моддасининг етишмаслиги нафақат қалқонсимон безнинг катталашшига, балки туғилажак боланинг она қорнидалигидаёқ жисмоний ҳамда руҳий ҳаётдан ортда қолиб ривожланишига, ҳомилини туширишгача бўлган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Таомингизда йод борми?

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, йод етишмаслиги касалликлари дунёдаги кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган ва касалланиш даражаси ўта юқорилигига эришмоқда. Бугунги кунда ер юзидеги 760 миллиондан ортиқ киши йод етишмаслиги касалликлари билан оғирган ва шулардан 43 миллиони касалликнинг турли хил асоратларидан азият чекмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни Президентимизнинг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Махсулотлар ва хизматларни сертифицикатлаштириш тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари қабул қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Одатда, йод табиий ҳолатда денгизбуйи минтақаларида кўп учрайди ва денгизга яқин жойларда истикомат қилувчи аҳолида йод етишмаслиги деярли сезилмайди. Денгиздан узоқ бўлган мамлакатларда, хусусан, республикамизда йодга бўлган талабни асосан озик-овқат махсулотлари билан қондириш мумкин. Жумладан, «Йод етишмаслиги» касалликларни профилактикаси тўғрисидаги қонунга асосан аҳоли энг кўп истеъмол қилувчи ва ишлаб чиқарилиши махсулотлардан бири — ош тузи йод микроэлементи билан бойитилиши, ушбу корхоналар йодлаш ускунаси, лаборатория, лойиха асосида қурилган бинога эга бўлиши кераклиги белгиланган бўлди.

25 май — Халқаро Қалқонсимон без кунига бағишланган «Ўзбекистонда Эндокринология: кеча, бугун ва эртага» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика иқтисодшарҳ Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари мамлакатимизда аҳолига эндокринологик хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилган ислохотлар ҳамда келгусидаги режалар хусусида тўхталишди.

Тadbирда таъкидланганидек мамлакатимизда, хусусан, мар-

казда эндокринопатиялар тизимидеги касалликлар сирасига кирувчи қалқонсимон без, қандли диабет, гипоталамо-гипофизар ва шунга ўхшаш қатор касалликларга юқори технология ускуналар ёрдамида аниқ таъкид қўйиш ва даволаш учун етарлича шарт-шароит яратилган. Хусусан, эндокрин хирургия, йирингли хирургия, диабет тўпик, нейрохирургия бўлимлари мавжуд бўлиб, бу ерда қатор юқори технология (фехромоцитом, алдостерома, кортикостерома, инсулинома каби оғир касалликлар, транснозал транссфеноидаль йул орқали гипофиз микроаденомалари, қалқонсимон без ва қалқонсимон олди безларида, қандли диабетнинг қон-томир ва йирингли асоратлари бўйича) ноёб жарроҳлик амалиётлари кенг йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ўтган йилнинг май ойидан бошлаб сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги беморларга гемодиализ муолажалари ўтказилмоқда.

— Марказда клиник бўлим шифокорлари ва лаборатория ходимлари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. — дейди РИЭИАТ директори С.Исмоилов — Улар ўзларининг илмий ва амалий салоҳиятларини узоқ ва яқин хориж мамлакатларидаги касбдошлари билан соҳа бўйича ахборотлар алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, йод таъкидлигини, эндокрин жарроҳлигини, нейроэндокринология, нейрохирургия, диабетология, нуклеар тиббиёт, репродуктив эндокринология каби йўналишлар бўйича дунёнинг етакчи клиникалари, жумладан, Буюк Британия, Франция, Германия, Австралия, Греция, Австралия, Япония ва бошқа минтақа давлатлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Тadbирда Халқаро Қалқонсимон без кунининг алоҳида нишонлишидан мақсад жамоатчиликка яна бир бора ушбу касалликка оид батафсил маълумот бериш, профилактика ишларини тарғиб қилиш, даволашнинг янги усуллари билан таништириш эканлиги қайд этилди.

Соҳиба МАМАДИЁРОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика
факультети талабаси



Фарҳунда ХАЛМЕНОВА

Гулнисо САИДОВА,
партия фаоли

Талаб ва таклиф

мутаносиблиги йўлида дадил қадам

Давоми. Бошқ 1-бетда

Биргина мисол. Водийда бўлганимизда, биттагина тумanning ўзида бир йилда ярим мингга яқин қиз ҳамширалик мутахассислиги бўйича коллежларни битириб чиқишини айтишди. Аслида битта туман учун бу жуда кўп. Мутасаддилар ҳамширалар учун тумандаги мавжуд йиллик эҳтиёж бир йилда эллик-олтмиштадан ошмаслигини таъкидлашди. Демак, қолган битирувчилар бошқа соҳада ишлашга мажбур бўлишарди.

Қарор мана шу тарздаги айрим номуносивлиқни бартараф этишга хизмат қилади. Унда алоҳида таъкидлаб ўтилганки, «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларининг ўрта махсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда тайёрланган 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-хунар коллежлари ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқлансин». Яъни биринчи навбатда мутахассисларга бўлган реал эҳтиёж ҳисобга олинади. Шу мақсадда республика ҳудудларидаги 26 та касб-хунар коллежи қайта ихтисослаштирилади. Бу эса бозор иқтисодиётининг олтин қоидаси бўлган талаб ва таклиф мутаносиблигига хизмат қилади.

Бу йил умумтаълим мактабларимизни 533658 ўқувчи битади. Уларнинг ҳаммаси касб-хунар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинади. Айнан эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликларга ўқишлари эса уларнинг келгусида тўлиқ иш билан таъминланишини кафолатлайди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси таълимнинг замонавий даражаси ва моддий базасини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Сайловолди дастурида мазкур соҳадаги вазифаларимиз алоҳида қайд этиб ўтилганидек, партиямиз таълим сифатини ошириш бўйича қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишни, касб-хунар таълимнинг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни соҳадаги устувор вазифалари, деб билади.

Мана шу жиҳатдан олганда, мазкур қарор «Адолат» СДП дастурий ҳужжатига ҳамроҳланган бўлиб фаолиятимизда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Зеро, бу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, яъни талаб юқори бўлган касб ва мутахассисликларга керакли кадрларнинг тайёрлишини Ватанимизнинг янада тараққий этишига, ижтимоий адолат гошири устуворлигига хизмат қилади.

Камол ЯНГИБОВ,
Қарши транспорт касб-хунар коллежи директори,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоли

Жиззах шаҳрида вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Шу пайтгача шифохона эски бинода фаолият кўрсатиб келаятган, баъзи юқумли касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш борасида айрим муаммолар мавжуд эди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги ўринбосари Қодир Искандаров. — 90 ўринга мўлжалланган янги шифохонанинг ишга туширилиши мутахассислар ва даволанувчилар учун катта қулайлик бўлди. «Камол» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари томонидан замонавий услубда ва барча қулайликлар эътиборга олинган ҳолда бунёд этилган шифохона қурилиши учун 4,6 миллиард сўм бюджет маблағи сарф қилинди.

Ўтган йили вилоятда инвестиция дастурига асосан 11 та соғлиқни сақлаш муассасасида қурилиш ишлари амалга оширилди ва бунинг учун 18,4 миллиард сўм сармоя йўналтирилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ

Наманган шаҳридаги «Соф савдо» мажмуасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи корхоналар ўртасида худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ташкил этилди.

Икки кун давом этган худудий ярмарка ва кооперация биржасида Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги 180 дан зиёд йирик саноат корхоналари, шунингдек, тадбиркорлар ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқилган кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ўрин олди.

Наманган вилоятидаги ишлаб чиқарувчилар ноозик-овқат йўналишида бош қийимлар, эркаклар куйлаклари, трикотаж маҳсулотлари, эркаклар ва аёллар пойабзаллари, атир-упа, чарм маҳсулотлари, пластмасса буюмлари, сантехника жиҳозлари, автомобиль фаралари, шунингдек, озиқ-овқат йўналишида қурилган сут ва мевалар, қадокланган табиий шарбатлар, пишлок, сариёғ, кунгабоқар ёғи каби қабил кўплаб турдаги маҳсулотлар билан қатнашди.

Биржа жараёнида мутасаддилар томонидан таъкидландики, бугунги кунда белгиланган 18 турдаги асосий маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарларидан 13 турли Наманган вилоятидаги корхоналарда тайёрланмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда мазкур вилоятда маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига истеъмол бозорини янада тўлдириш, шу мақсадда корхоналар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар узвийлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ



Хусан АСРОҚОВ

«Электрон ҳукумат»: очиқлик, ошқоралик, ҳисобдорлик

Қизғин мулоқотларга бой тарзда ўтган тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқарувида очиқликни таъминлашда электрон ҳукуматнинг ролини ошириш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистонда электрон ҳукумат ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилиб, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларининг Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги ҳуқуқий тажрибасини ўтказишда депутатлик корпусининг ўрни ва роли белгилаб олинди, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқаларни таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз интернет-ресурсларидан фойдаланиши самарадорлиги таҳлил этилди.

Исмом САИФНАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси:
— Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари давлат

лишини назорат қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам берадиган «электрон ҳукумат» концепциясини ёқлайди.
Давлат ҳокимияти очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда «электрон ҳукумат» тизимининг ролини ошириш — Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий вазифаси бўлиб, ушбу йўналишдаги ташаббуслар миллий қонунчиликда ва амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

Шерзод ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар технологиялари Давлат қўмитаси раиси ўринбосари:
— Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш борасида фаол ва кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари, фуқаролар ва ташкилотларнинг ахборот жамиятида фаол иштирок этишига имкон берувчи норматив-ҳуқуқий ва методологик база шакллантирилаётгани, бунинг учун фуқароларга ахборот хизмати кўрсатишнинг ягона стан-

хоналар тузилаётгани, янги дастурий ишланмалар яратилаётгани ва жорий этилаётгани, интернет янада кенг маконни эгаллаб бораётгани фикримизнинг яққол исботидир. Ушбу соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар Ўзбекистоннинг ахборот жамиятини ривожлантириш ва унинг жаҳон ахборот маконидан мустақам ўрин олиши гаровидир. Мамлакатимизда интерактив давлат хизматларини аҳоли ва юридик шахсларга давлат органлари веб-сайтлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали тақдим этиш учун ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда.

Собир ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Сийёсий ўринбосари, партия фракцияси раҳбари:
— Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканми, албатта, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқариш жараёнлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат хизматларидан тезкор фойдаланишлари ахборот-коммуникация технологиялари кўламли таъминламасдан туриб эришиб бўлмастлигини яхши тасаввур этамиз.

«Электрон ҳукумат» тизимининг мазмун-моҳияти биринчидан, инсоннинг ахборот олиш ҳуқуқи ва эркинлиги, иккинчидан, фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқи, учинчидан, барча давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришдек конституциявий мажбуриятни электрон тарзда таъминлашнинг ўзида мужассам этган бўлиб, бу демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади. Унинг энг асосий ютуғи масофани қисқартириш, қоғозбозликнинг олдини олиш, бугунги тезкор ривожланаётган замон-

да ишни қисқа вақт сарфлаб, тез ҳал қилиш, энг асосийси, коррупциянинг олдини олишга йўналтирилганлигидадир. Шунингдек, «Электрон ҳукумат»нинг муҳим таркибий қисмларидан бири бу электрон ҳужжат айланиши тизимидир. Бунинг амалиётга муваффақиятли жорий қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда ахборот жамиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Тизим давлат бошқарувини демократлаштиришга, унинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга, аҳолига қўшимча қулайликлар яратишга ва бизнес юритиш шароитларини яхшилашга, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, жамоатчилик назоратини мустаҳкамлашга, тадбиркорлар фаолиятини анчагина энгиллаштиришга, иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади.

Адолатлилик гоёси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш «Адолат» партиясидан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишига айланган. Шу нуқтаи назардан депутатларимиз «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг ҳуқуқий тажрибаси жараёнларида ва соҳа ривожига ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан фаол иштирок этишарди.



ҳокимияти органларидан ҳам янги шароитларда ишлашни, аҳоли билан замонавий механизмлар асосида мулоқот қилишни, масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этиб боришни талаб этмоқда. Ушбу жараёнда давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда замонавий усул ва инновацион технологиялардан фойдаланиб бориш, янги тизимларни жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Кучли давлат гоёсини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистон «Адолат» СДП вазирликлар ва муассасаларнинг иш сифати узлуксиз ўсиб бориши, қабул қилинаётган қарорларнинг ҳар томонлама чуқур ишланиши, бюрократиянинг барча кўринишлари бартараф этилиши тарафдори. Бошқарув усуллари замонавий талаб ва вазифаларга мос бўлмоғи лозим. Шу сабабли партия ўзининг сайловолди дастурида бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жаддаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига қаратилган қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажари-

дартлари жорий этилаётгани эътиборга молик. Ушбу стандартлар ахборот хавфсизлигини юқори даражада таъминлабгина қолмай, давлат ахборот ресурсларини, маълумотлар базаси ва ахборот тизимларини ҳимоя қила олади.
Ўзбекистон юқори технология соҳани ривожлантириш бўйича улкан истиқболларга эга. Миллий IT-индустрияси муваффақиятли тарзда ривожланиб бораётгани, қўшма кор-



Видео-конференцияда банк ва солиқ тизимида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, аҳоли ва тадбиркорларга интерактив хизматлар кўрсатиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида мутахассисларнинг маърузалари тингланди.
Шунингдек, видео-кўприк орқали конференциянинг вилоятлардаги иштирокчилари фикрлари ҳам тингланди.

Ақбар РУСТАМОВ,
Бухоро вилояти ҳокимлигининг ахборот хизмати котиби:
— Вилотимизда ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент доирасида аҳолига ҳокимият томонидан чиқарилаётган фармон ва қарорлар ҳақидаги ахборотларни тақдим этиш, ижроия ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини

таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимиятининг веб-сайтида аҳоли ва тадбиркорларга 16 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилиб, вилоят ҳаётига доир кундалик янгиликлар билан бойитиб боришмоқда. Қолаверса, барча туман ҳокимликлари ҳамда олий таълим муассасалари олдида инфокиосклар ташкил этилган бўлиб, улар орқали аҳолига ўзи учун керакли барча маълумотларни олиш имкониятлари яратилган. Шунингдек, худуддаги 20 га яқин йирик ташкилот ва муассасаларнинг веб-сайтлари ишга туширилиб, аҳолининг зарурий ахборотларга эга бўлишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларининг тажрибаси амалий ҳаётда ўзининг юксак самараларини кўрсатмоқда.

Таъкидланганидек, «Электрон ҳукумат» фуқароларнинг ҳокимият, турли ижтимоий хизматлар, қўмиталар ва идоралар, охир-оқибат исталган даража ва мақомдаги раҳбар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотини таъминлаш керак, бу эса давлат ҳокимиятини нафақат очиқ, балки интерфал қилади. Моҳиятига қўра, «электрон ҳукумат» тузиш — бу субъектив омилнинг таъсирини сувайтирган ҳолда амалдорни фуқарога яқинлаштиришди. «Электрон ҳукумат» тузишнинг мақсадларидан бири назорат остидаги масала қай тарзда ечилишини фу-

қаронинг ўзига қузатиш имкониятини яратадиган тарздаги амалдор ва фуқаронинг мулоқотида.
Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари З.Ботирова, Р.Гаимова ва Қ.Жўраев ҳамда Самарқанд, Андижон, Хоразм вилоятдан боғланган иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутасадди ташкилотлар вакиллари мурожаат қилишди. Аҳолининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот технологиялари, хусусан, банк пластик картчаларидан фойдаланишда жойларда учраётган муаммолар хусусидаги мулоҳазалари тингланб, тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» муҳбири

Ўзаро тажриба алмашиш

ютуқларга етаклайди

Сиёсий ўқув

Фаргона вилоятининг Чимён сихатгоҳида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Фаргона вилояти Кенгаши ҳамкорлигида “Адолат” СДП дастурий вазифаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш масалалари мавзусига бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда партия дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб этиш, ўтказилаётган ислохотларга нисбатан фуқароларда дахлдорлик туйғуларини кучайтириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолида, айниқса, ёшларда қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик руҳини тарбиялашда депутатлик гуруҳлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.



Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши фаоллари, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари, сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси аъзолари ва Тошкент шаҳар партия Кенгаши раислари, ҳудудий партия ташкилотлари вакиллари иштирок этган икки кунлик ўқув-семинарда дастлаб партия Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаровнинг «2009 йил сайлов кампанияси тажрибаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловларда устувор вазифаларини самарали ҳал этиш чоралари тўғрисида»ги маърузаси тинланди.

— Кейинги пайтларда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва маҳаллий кенгашлар депутатлик гуруҳларининг дастурий ғояларимиз тарғибига қаратилган фаоллик бирмунча ошди. Бунда, шубҳасиз, мамлакатимизда сиёсий партиялар нуфузини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни бекиёс, — деди И.Саифназаров. — Жумладан, “Адолат” СДПнинг Фаргона вилояти Кенгаши фаолиятида ҳам жиддий бурилиш кузатилади. Бунга партиянинг 2010-2013 йиллар оралиғидаги самарали фаолияти мисол бўла олади. Вилоятда 2009 йилдан бери маҳаллий депутатлик кенгашларидаги партияси аъзоларининг 9 тага кўпайгани фикримизнинг яққол исботидир.

Ўқув-семинар мобайнида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари Фаргона вилоятидаги ҳудудий партия ташкилотларига ташриф буюришиб, ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишди. “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Парида Пармонова, “Адолат” СДП Наманган вилояти Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Олимжон Мақсудов, “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ривож Отарбаевлар партиянинг Фаргона, Қувасой, Марғилон шаҳарлари, Бувайда, Қува, Қўштепа ва Фаргона туманлари кенгашлари ишига юқори баҳо беришди. БПТлар ташкил этиш, икки партиявий ҳужжатлар билан ишлаш, партиянинг дастурий ғоя ва вазифаларини кенг жамоатчилик орасида фол тарғиб этиш, ҳудудий партия ташкилотларининг маҳаллий кенгашлар депутатлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби масалалардаги ютуқлар алоҳида қайд этилди. Мазкур тажрибалар ҳудудий партия ташкилотларининг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдида ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, улардан тегишли хулоса чиқариб олиш имкониятини юзага келтиради.

Ҳамда “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижроси жойларда қандай бажарилаётганлигига эътибор қаратиш, бу масалани маҳаллий кенгашлар сессияларига олиб чиқиш тавсия этилди. Шунингдек, “Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетика”ни жорий этиш партиянинг “Обод турмуш йили”даги фаолиятининг устувор йўналиши эканлигига лоқийда эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бундан ташқари, мактаб ва мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатилган тиббий хизмат сифатини яхшилаш ҳам партия фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Зулфия ИСЛОМБЕКОВА, халқ депутатлари Фаргона шаҳар Кенгаши депутати: — Биз фаолиятимиз мобайнида партия ғояси ва дастурий вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш, республикамиз даражасида қабул қилинаётган “қонунлар, фармон ва қарорлар моҳиятини аҳолига тушуңтириш учун сайловчилар билан тез-тез учрашув ва семинарлар ташкил этмоқдамиз. Уларни ўрганилтириш мақсади билан ўзларимиз билан кўрсатилган ҳужжатлар билан тез-тез учрашув ва семинарлар ташкил этмоқдамиз. Уларни ўрганилтириш мақсади билан ўзларимиз билан кўрсатилган ҳужжатлар билан тез-тез учрашув ва семинарлар ташкил этмоқдамиз. Уларни ўрганилтириш мақсади билан ўзларимиз билан кўрсатилган ҳужжатлар билан тез-тез учрашув ва семинарлар ташкил этмоқдамиз. Уларни ўрганилтириш мақсади билан ўзларимиз билан кўрсатилган ҳужжатлар билан тез-тез учрашув ва семинарлар ташкил этмоқдамиз.

Маҳаллийлаштириш дастури

«Buhora shaten clan». Бухоро туманидаги “Работикалмоқ” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва кир ювиш кўкунни ишлаб чиқаришга ихтисослашган масъулият чекланган жамият шундай номланади.

Маҳсулотлар экспортга



Хитойча бу сўзлар ўзбек тилида “Бухоронинг хушбўй гуллари” маъносини англатади. 38 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган корхона Хитой технологияси билан жиҳозланган. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 7 турда 10 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади ва қадокланади. Эндилдиқда жамият маҳсулотининг бир қисмини қўшни Афғонистонга экспорт қилиш бошлади. — Яқин фурсат ичида корхонамизга Хитойдан янги замонавий технология келтириб ўрнатилди, натижада йилга 3500 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади, — дейди жамият раҳбари Мурод Саидов. — Маҳсулотларимизга Қозғистон, Туркменистон ва Тожикистон давлатларидан ҳам буюртмалар бор. Шу аснода экспорт ҳамми янада оширилади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Давлат Сайфуллаевнинг таъкидлашича, ҳудудда кейинги йилларда ўндан ортқ бу каби ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқилиди.

Савдолим АБДУРАҲМОНОВ, “Adolat” мухбири

Ҳамро ОҚИЛ, “Adolat” мухбири

Боғдорчиликда ноёб технология

Давом. Боши 1-бетда

Республикамизда юқори ҳосил берувчи паст ва ярим паст бўйли мевали (интенсив) боғларни барпо этишда мақсад аҳолининг мевага бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини йилдан-йилга ошириб боришдан иборат. Бундай боғларни тобора кенгайтириш, уларни деҳқон ва фермер хўжалиқларида барпо этиш мақсадида ҳуқуқимиз томонидан аниқ манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ҳозиргача республиканинг барча ҳудудларида жами 5,3 миң гектар, жумладан, Самарқанд, Тошкент, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятларида томилатиб сугориш технологияларига асосланган паст ва ярим паст мевали боғлар барпо этилди. Жорий йилда эса республика бўйича 3 миң гектар паст ва ярим паст мақсад интенсив боғлар барпо этиш белгиланган бўлиб, уларни узлуксиз кенгайтириб боришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Уз навбатига, мамлакатимиз олимлари томонидан ана шундай боғлар учун мевали дарахтларнинг янги навлари биологияси, маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мослашувчи, агротехникасини такомиллаштириш, касаллик ва ҳашаротларга қарши курашиш борасида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар, айниқса дикқатга сазовор. Ҳуқув юртлининг илмий тажриба майдонида маҳаллий шароитга мос, эртапишар, серҳосил ва касалликларга чидамли мева навларини яратиш, боғларда ресурс тежамкор технологияларни қўллашга оид қатор янгиликлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Университет ёш олимлари томонидан яратилган паст бўйли вегетатив пайвандтағларда олиш ва нок кўчатларини лартириш технологияси

ҳам мамлакатимиз ҳудудларида интенсив боғларни кўпайтиришга қаратилган. Ушбу технология асосида Ўзбекистон шароитида паст бўйли олма ва нокнинг пархиш (она кўчатни горизонтал ёки вертикал ҳолда тупроқ билан қўпиш орқали новдалардан олинган кўчатлар)ни экишни қўлай муҳлатлари, кўчатларни қўпиш чуқурлиги ва оналикда пархишларни кўпайтириш усуллари, пархишларни экиш чуқурлиги ва уларни тайёрлаш диаметри, куртақларни пайванд қилиш баландлиги, кўчатзорнинг биринчи даласида пархиш кўчатларни экиш схемалари аниқланди. Олма ва нокнинг пайвандтағларини она кўчатзор ва кўчатзорнинг биринчи, иккинчи даласи ҳамда боғ шароитларида муваффақиятли етиштириш имкониятлари аниқланди. — Ишлаб чиққан технологиямиз асосида паст бўйли вегетатив пайвандтағларда ўстирилаётган олма ва нок навлари иккинчи йилдан ҳосил бера бошлайди, — дейди университет катта илмий ходими Ихтиёр Намозов. — Ушбу технология асосидаги паст бўйли интенсив боғлар баланди бўйли аънавий боғлардан кўпгина афзалликлар билан ажралайди. Хусусан, паст бўйли пайвандтағларда олма кўчатини экиш оралиғи қисқа бўлганлиги боис бир гектар майдонга ўртача 3300 тагача кўчат экиш, унинг ҳар бири тупидан ўртача 20-25 килограммгача ҳосил олиш мумкин. 4-5 йилдан бошлаб гектаридан 30-40

тонна, 10-15-йиллардан сўнг 100 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Аънавий боғларда бу кўрсаткич бир гектарга ўртача 200 та кўчат, ҳосилдорлик эса 10 тоннадан ортқроқ бўлиши мумкин. Қолаверса, паст бўйли дарахтларнинг қатор оралиғи ишлов, кўчатларга шакл бериш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш осон кечади. Дарахтларнинг бўйи паст бўлганлиги боис, уларга қўёш нурларининг тушиши ҳамда қатор оралиғидан шомоли яшиланиши ҳамда етиштирилган ҳосилни териб оsonлашади. Яъни меваларни ҳеч қандай қўшимча қўрилмасларсиз ва ортқча қийинчиликларсиз нест-нобуд қилмасдан териб олиш имконияти туғилади. Бу эса меваларнинг сифати юқори бўлишига олиб келади. Ёш олимлар яқинда бўлиб ўтган Инновацион лойиҳалар, технологиялар ва ишланмалар VI Республика ярмаркасида мазкур ишланма билан иштирок этишди. Ушбу янгиликка қизиқиб қолган турли вилоятлардан келган фермерлар билан уни амалиётга жорий этиш юзасидан келишув ва шартномалар имзолашди. Таъкидлаш жоизки, олимларимиз томонидан олиб борилаётган бу каби иланишлар мамлакатимизда интенсив боғлар майдонини янада кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Илёс САХАТОВ, “Adolat” мухбири

ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
«Фаргона вилояти Фаргона шаҳар Аэропорт (М.Хасанов) кўчасида 2 қаватли Давлат нотариал идораси биноси қурилиши»
Муддати — 01.11 2013 йил.
Бошланғич нархи 464 012 500 сўм ҚҚС билан; 386 677 100 сўм ҚҚС сиз.
Буюртмачи: Фаргона вилоят Адлия бошқармаси.
Манзили: Фаргона шаҳар Б.Марғиновий кўчаси 149 уй, тел.(373) 224-46-33, 224-32-36.
Қурилиш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.
 Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камидан 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк қафолатномаси мажбуллиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
 Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлаш, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
 Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчисига — Фаргона вилоят қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фаргона шаҳри, Темиргўшар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 224-18-71
Танлов ҳужжатларини бир тўпلامининг нархи — 63 000 сўм.
 Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтинча қабул қилинади. Тақлифлар очилиши маълумотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фаргона шаҳри, Марғиновий кўчаси 149-уй манзилда ўтказилади.

Хуқуқ

Давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг мантиқий давоми

Концепция: устувор вазибалар

Мустақил юртимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, шунингдек, жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, давлат ва жамият ҳаётини ҳар томонлама ислох этиш, шунингдек, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов соҳаси ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг янги босқичини белгилаб берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда олдинда турган энг устувор вазибалардан бири уни такомиллаштириш ҳамда замон талабларига мослаштириш ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор сиёсий тизимни янада ривожлантириш, давлат бошқарувини изчил ислох этиш, унда ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойиллини ҳаётга татбиқ этиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш, процессуал иш юришнинг такомиллаштириш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизмларини яратиш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ва жиноий жазоларни либераллаштириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва унинг тараққиётини устидан парламентнинг ижро ҳокимиятига муносабатини ифодаловчи ўзгаришнинг киритилиши муҳим сиёсий ва давлат бошқаруви ислохотидаги янгилик сифатида эътироф этилади. Конституциянинг 98-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақомида парламентнинг Бош вазирига нисбатан "ишонсизлик вотуми"ни эълон қилиш ҳуқуқи бунинг ёрқин ифодасидир. Унга қўра, амалдаги Конституциянинг 98-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Конунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирига нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилди.

Бош вазирига нисбатан ишонсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирига нисбатан овоз этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазири билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

нинг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазири лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирига нисбатан ишонсизлик вотуми таъинлади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, мамлакатимизда Президент давлат раҳбари сифатида ўзининг конституциявий мақоми ва вазифасидан келиб чиқиб, мамлакатда давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган вазирига қабул қилинган ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили сифатидаги мақоми билан уйғунлигини таъминлашига хизмат қилади.

Н. АТТАБОВ,
Адлия вазирлиги Юристарлар малякасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

борилаётган ишлар, шунингдек, мазкур йўналишда амалдаги қонунчилик киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида белгилаб берилган ҳокимиятлар бўлиниши тамойилнинг амалдаги ифодасини қарор топтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бунда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бир биридан алоҳида ва мустақил фаолият кўрсатиши, ўзаро бир бирига тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш принциплари асосидаги фаолиятини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мамлакатимизда парламентнинг ижро ҳокимиятига муносабатини ифодаловчи ўзгаришнинг киритилиши муҳим сиёсий ва давлат бошқаруви ислохотидаги янгилик сифатида эътироф этилади. Конституциянинг 98-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақомида парламентнинг Бош вазирига нисбатан "ишонсизлик вотуми"ни эълон қилиш ҳуқуқи бунинг ёрқин ифодасидир. Унга қўра, амалдаги Конституциянинг 98-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

нинг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазири лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирига нисбатан ишонсизлик вотуми таъинлади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, мамлакатимизда Президент давлат раҳбари сифатида ўзининг конституциявий мақоми ва вазифасидан келиб чиқиб, мамлакатда давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган вазирига қабул қилинган ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили сифатидаги мақоми билан уйғунлигини таъминлашига хизмат қилади.

Н. АТТАБОВ,
Адлия вазирлиги Юристарлар малякасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

Сўранг, жавоб берамиз!

Риэлторлик фаолияти тўғрисида

Риэлторлик фаолияти тўғрисида кўп эшитганман. Бу қандай фаолият? Ушбу фаолият қандай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?

У.Қамоллов, Тошкент вилояти

Риэлторлик фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Риэлторлик фаолияти риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан бериладиган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади.

Риэлторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон қарори билан тасдиқланган Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом ва ушбу фаолиятга оид бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Риэлторлик хизматларига нималар киради? Мен жисмоний шахс сифатида риэлторлик фаолияти билан шугулланишим мумкинми?

Р.Султонов, Самарқанд вилояти

"Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунга қўра, риэлторлик фаолияти қуйидаги турлардаги риэлторлик хизматларини кўрсатиш орқали амалга оширилади:

- кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;
- кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;
- кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

Риэлторлик фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Бунда жисмоний шахсга — риэлторга лицензия фақат кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига берилади.

Риэлторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

К.Азизов, Наманган вилояти

Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низомга қўра, лицензия олиш учун лицензия талабкори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Юридик шахс учун:

- лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:
 - юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамлари;
 - лицензия талабкори амалга оширишни мўлжаллаётган риэлторлик хизматларининг тури (турлари);
- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар билан биргаликда уставнинг нусхалари;
- лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабкори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;
- асосий иш жойи бўйича штатдаги риэлторларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги меҳнат дафтарчаси ва буйруқларнинг юридик шахс муҳри билан тасдиқланган нусхалари;
- лицензия талабкори штатда турган ходимларнинг риэлторлар малака сертификатларининг юридик шахс муҳри билан тасдиқланган нусхалари;
- риэлторлик фаолиятининг тегишли турини амалга ошириш учун ушбу Низомда назарда тутилган миқдорда устав капиталининг тўлиқ шакллантирилганлигидан далolat берадиган ҳужжат нусхаси. Бунда риэлторлик хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган мол-мулкни киритиш ҳисобида устав капиталини пулсиз шаклда қисман ёки тўлиқ шакллантиришга йўл қўйилади;
- кўрсатиладиган хизматлар сифатини назорат қилишнинг тасдиқланган ички қоидалари нусхаси.

Жисмоний шахс учун:

- лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:
 - фамилияси, исми, отасининг исми, паспортнинг маълумотлари;
 - лицензия талабкори амалга оширишни мўлжаллаётган риэлторлик хизматнинг тури;
 - якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманин нусхаси;
 - лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабкори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;
 - риэлтор малака сертификатининг нусхаси;

Риэлторлик фаолияти билан шугулланиш тўғрисида менинг номимга берилган лицензия йўқолиб қолди. Уни қайта тиклаш мумкинми?

А.Жалилов, Навоий вилояти

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензия талабкори аризасига қўра дубликат берилади. Лицензия дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманин яри миқдорда йиғим ундирилади.

Саволларга Адлия вазирлиги ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бош маслаҳатчиси **Жасур АСАДОВ** жавоб берди.

Назорат

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 139-сонли қарори билан йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш, йўловчилар ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблари тўғрисида"ги Низом тасдиқланган.

Йўналишсиз таксилар тартибга солинмоқда

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2013 йил учун тасдиқланган "Тошкент шаҳри ҳудудида мулкчилик шакли, автотранспорт тури ва сифидан қатъий назар техник жиҳатдан носоз, ноқонуний қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимият ва солиқ идораларидан рўйхатдан ўтмасдан, йўловчи ташиш автотранспорт воситаларида лицензиясиз тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахсларни аниқлаш, юридик ва жисмоний шахслар бўйича лицензиялаш қамровини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган тадбирлар режаси"га асосан Тошкент шаҳар ИИБнинг ИХХ бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ва Тошкент шаҳар туманлар давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан ҳамкорликда назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳам ушбу йўналишда белгиланган тартиб ва норматив-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши юзасидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунга қарамай, ўтказилаётган текшириш ва назорат тадбирлари жараёнида айрим фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланганлик ҳолатлари аниқланмоқда.

Хусусан, ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида Тошкент шаҳрида 2013 йилнинг 15 май кунига қадар ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шугулланаётган 816 нафар фуқаро аниқланган. Ушбу қоидабузар шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш учун материаллар суд органларига тақдим этилган.

З.ЮЛДАШЕВ,
Тошкент шаҳар ДСБ
Жисмоний шахсларга солиқ солиш бошқармаси бошлиғи

Замонавий мутахассислар: эҳтиёж ва муаммо



Конференция

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Техник йўналишдаги олий ўқув юртлирида юксак маънавиятли мутахассис кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Техник йўналишдаги олий ўқув юртлирида маънавиятли юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг сифатини янада яхшилаш, техника соҳасидаги сўнгги ютуқлардан унумли фойдалана оладиган мутахассисларни шакллантириш, кадрлар тайёрлаш бўйича ўзаро тажриба алмашиш, уларнинг ечимини ҳал қилишга доир тегишли тавсиялар бериш тадбирнинг асосий мақсадиридир.

Конференцияда мавзу юзасидан "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК бошқаруви раис ўринбосари Ш.Содиқов, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси К.Ҳамидова, Тош-

кент темир йўл муҳандислари институти ректори М.Расулов, Республика «Миллий ғоя ва мафкура» илмий-амалий марказ раҳбари М.Қуронов, Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети декани А.Мўминовларнинг маърузалари тингланди.

Қайд этилгандек, темир йўл тармоғига юксак маънавиятли мутахассис кадрлар етиштириб бериш давримизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, бугун бундай кадрларга соҳада эҳтиёж ва талаб катта.

Замонавий мутахассис ўз соҳаси бўйича билимларни пухта эгаллаши, тажриба ва малакага эга бўлиши, доимий изланишлар олиб бориши лозим, албатта. Айни

пайтда бундай кадрларнинг маънавий жиҳатдан юксак бўлиши, турли ғоявий таҳдидларга, «оммавий маданият» никоби остидаги хуружларга қарши мустаҳкам иммунитетга эга бўлиши, жамият ҳаётидаги илгор ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам эта олиши муҳим.

Тадбир учун Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг танлангани бежиз эмас, албатта. Зеро, мазкур даргоҳнинг малакали техник кадрлар тайёрлаш борасида катта салоҳияти ва катта тажрибаси бор. Илмий-амалий анжуманда мазкур ўқув даргоҳи мисолида эришилган натижалар бўйича ўзаро тажриба алмашиш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича тақлифлар муҳокама этилди.

Наргиза ШИРИНОВА



Самиддин Лутфуллаев: “Адолатли баҳони томошабин беради”

Таҳририят меҳмони

Бугунги суҳбатдошимиз ўтган йилнинг кузида халқаро миқёсдаги ютуғи боис тилга тушган “Паризод” фильмидаги бош қаҳрамон — Жонибек тимсолини гавдалантирган ёш, истеъдодли актёр Самиддин Лутфуллаев. Актёр билан “Ўзбекфильм”да суратга олинган мазкур фильм, замонавий театр ва томошабин мавзуларида гурунглашдик.

— *Ўтган йили Анапа шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқ бўйи мамлакатларининг XXI очик халқаро “Киношок” кинофестивалида бош мукототи Гран-при сиз бош қаҳрамон ролини ижро этган “Паризод” бадиий фильмига берилади. Айтилинг-чи, нима деб ўйлайсиз, қандай сабабларга кўра фестивалда намоёништирилган 14 та бадиий фильм орасидан айнан “Паризод” голиб деб топилди?*

— Ўзувчи Эркин Аъзам қаламига мансуб сценарий асосида таникли режиссёр Аюб Шайхобиддинов томонидан суратга олинган бу фильм ҳамма замонлар учун ҳам долзарб бўлган меҳр-оқибат, севги ва адолат мавзуларида. Қолаверса, фильмда ўзбек халқининг ўзига хос маданияти, урф-одати ва анъаналари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ушбу фильм орқали кинода илк бор бош қаҳрамони талқин этидим, шунинг учун қайси-дир маънода “Паризод”ни деб-дир фильмим деса ҳам бўлади. Фильмдаги қаҳрамоним Жонибек барча тенгдошлари қатори тўй қилиб, уйланишни истайдиган оддий кишлоқ йигити. У тоғнинг чекка худудларида жойлашган кишлоқларга бориб касал кўрадикан, ҳоҳлатбарор, очиккўнгил, касбига ҳалол, меҳрибон, чор атрофида бепарво бўлмаган шифокор. Аммо қай-лиги тайин бўлса-да, тўй қилишга биров қурби етмай турган вақтда тасодифан учратган паримисол қиз — Паризодни ўзи истамаган ҳолда севиб

қолади ва кишлоқдошларининг таъна-ю надоматларидан чўчиб, севгисини изҳор қилмасиданоқ, қиздан воз кечишга мажбур бўлади.

Албатта, фильмининг юқори баҳолаб эга бўлишида икки таникли ижодкор — Аюб Шайхобиддинов ва Эркин Аъзамнинг юксак ижодий салоҳияти, профессионал таҳрираси катта аҳамиятга эга бўлди. Истагим, ана шундай чуқур маънога эга ва қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини кўп қиррали тарзда кўрсата бера оладиган драматург ва режиссёрларимиз янада кўпаяверсин.

Кези келганда таъкидлаш лозимики, сўнгги пайтларда томошабин маданияти деган тушунча кенг қўлланилаётгани бежиз эмас. Сабаби, санъат-севар халқимизнинг маданияти, дунёқараш, савияси кундан-кунга ўзгариб бораёпти. Энди уларни жўн, маиший мавзулардаги фильм, спектакллар билан ушлаб туриб бўлмайди. Уларга маънавий озиқ бера оладиган, фикрлаш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришга ундовчи кучли асарларни тақдим этишимиз лозим. Бу бизнинг ҳам инсонийлик, ҳам касбий бурчимиздир.

— *Бу мулоҳазаларингиз ижодкорнинг жамият ҳаётига, маънавиятига фаол фуқаро сифатида ёндашуви лозимлиги ҳақидаги хулосаларга олиб келади. Самиддин ака, партиямизга нисбатан муносабатингиз ҳам бизни қизиқтиради, албатта.*

— Адолат — жамиятнинг асоси. Соҳибқирон бобомиз бежиз



Ф. Хусан АСҚОРОВ

“Куч — адолатда” демаган ахир. Менга партия дастуридаги “Қонун устувор бўлган жойда адолат бор!” шиори маъқул келди. Дарҳақиқат, тараққиёт, демократия ва эркинликнинг биринчи шартин амалдаги қонунлар олдида ҳаммининг тенглиги, адолатнинг устуворлигидир. Демак, “Адолат” номининг ўзиёқ партия зиммасига улкан масъулият юклайди.

— *Сизни нафақат кино актёри, балки Ўзбек давлат драма театрида қатор ролларини ижро этиб келатган истеъдодли театр актёри сифатида ҳам яхши таниймиз. Театрда бугунги ижодий фаолиятингиз қандай кечмоқда?*

— Театрда менга ишониб топширилган ролларни маромига етказиб талқин этишга астойдил ҳаракат қилаёпман. Ролнинг катта-кичиги бўлмайди. Театримизда эртақлардан тортиб то ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг дурдона асарлари асосида сахналаштирилаётган спектаклларда иштирок этиб келмоқдаман. Айниқса,

репертуаримиздан мустақкам ўрин эгаллаган, болажонларимизни эзгуликка, ҳалолликка, ватанпарварликка, жасуриликка етакловчи эртақларда роль ўйнашни жуда ёқтираман.

Донишмандлардан бири бежиз “Болалар — энг қўрқмас файласуфлардир. Энг қўрқмас файласуфлар ҳам — болалардир” демаган. Чиндан ҳам биз ақсар ҳолларда диққат билан қўлоқ солсак, айнан болалар катталардан-да аниқ-тиник, чуқур мулоҳазали фикрлар баён этишига шохид бўламиз. Мени қувонтираётган яна бир жиҳат, кейинги пайтларда боланинг тарбиясида маданият, санъат ва китобнинг ўрни бежизлигини тушуниб етган ота-оналар сони кўпаймоқда.

Шу кунларда театримизда ўзувчи А.Йўлдошевнинг “Пуанкарэ” номли ҳикояси асосида сахналаштирилган “Даҳо” спектакли сахна юзини қўриш арафасида. Бош қаҳрамон ролини ижро этиш бахти қаминага натижа этди. Мен спектаклда машҳур француз математиги,

физиги Анре Пуанкаренинг ўтган аср бошларида яратилган гипотезасини ечишга уринган ўзбек олимини ўйнамаман. Бу истақ олимни тинмай меҳнат қилишга, доимо изланишда бўлишга, мақсади йўлида бутун куч-ғайратини сарфлашга ундайди. Бир сўз билан айтганда, қаҳрамоним сирли илмий гипотезанинг ҳақиқий мафтунига айланади.

Менинг назаримда, қаҳрамонимнинг ҳаёти кўпчиликка, айниқса, катта ҳаётга қадам ташлаётган ёшларга ибрат вази-фасини ўтай олади. Зеро, қаҳрамоним ўз ҳаёти билан ҳар бир инсон ўз олдига аниқ ва катта мақсад қўйиши, орзуга эришиш йўлида эса фақат олдинга қараб ҳаракат қилиши лозимлигини кўрсатиб бера олган.

“Театр томошабинга драматург томонидан ёзилган асарни кўрсатиб бериши эмас, балки адиб бу асарга нега қўл ургани ҳақида фикрлашга имконият бериши зарур”, дейди япониялик таникли режиссёр Тадаки Судзуки. Биз, санъат аҳлининг асосий мақсадларидан бири ҳам шу — томошабини мулоҳазага, фикрлашга чорлаш, унинг маънавий юксалишига ўзимизнинг камтарин ҳиссамизни қўшиш. Ахир бизнинг санъатимиз ҳақида энг адолатли баҳони томошабин беради.

— *Келгуси режаларингиз биан ўртоқлашсангиз.*

— Режалар бир олам. Фильмлардан таклифлар бўлиб турибди. Албатта, ўзим учун қизиқарли бўлган янги ролларни ижро этишни орзу қиламан. Яқин кунлар ичида мен асосий роллардан бирини ижро этган ўткир сюжетли фильмининг премьераси бўлиши кутилмоқда.

Театрда эса “Даҳо” спектаклига яна қайтиб, бош режиссёримиз Сайфиқул Мелиев кўмағида моноспектакл яратиш ҳаракатидаман.

Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди.

Молия муассасаларида

Юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар ва шароитлар, молиявий имтиёزلар туфайли ишбилармонларимиз қишлоқларимизнинг ободлиги, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб, ёшларимизни ишли, эҳтиёжмандларнинг огирини енгли қилишга ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари, айниқса, биз кексаларни қувонтирмоқда.

Файз ва барака гўшаси



Ўтган йилнинг айна шу кезлари эди. Маҳалла оқсоқоллари кишлоғимиз ободончилиги тўғрисида гурунглашиб ўтирган эдик, давраимизга Илёсжон исмли маҳалладошимиз кириб келди. Бу сурхаракат, ғайратли ва ишбилармон йигитга худудимизда ечимини кутаётган масалалар ҳақида сўз очиб, маҳалламиз ахли учун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини зарурлигини тушунирдик.

Орадан бир неча кун ўтгач, ушбу тадбиркор йигит олдимизга келиб, берган маслаҳатларимизга кўра, иш бошламоқчилигини, дуога қўл очишимизни сўради. У аллақачон сармоясини олиш учун тадбиркорларга ёрдам берадиган “Микрокредитбанк”нинг Шаҳрихондаги филиали билан гаплашиб, гузар ташкил этиш учун 50 миллион сўм кредит олишга келишибди ҳам. Биз, тўрт-беш оқсоқол дуо берганимиздан кейин маҳалламиздаги бўш ётган катта бинада кўп ўтмай таъмирлаш ишлари бошланиб кетди.

Қарабсизки, Мустақиллик байрами арафасида туман мутасаддилари, ҳокимлик вакиллари билан маҳалламиз марказида «Водий баҳор шодлиги» савдо ва маиший хизматлар кўрсатиш комплексининг очилиш маросимини ўтказдик. Мажмуанинг ташкил этилиши гузаримиз кўрмага-кўрк қўшди. Ҳозир бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони, эркақлар ва аёллар саргарошонхонаси, ошхона, замонавий ҳаммом ва “пайнет” хизматлари ишлаб турибди. Бу ердиги олди-берди ишлари ва бошқа молиявий амалиётларнинг барчаси “Микрокредитбанк” орқали амалга ошмоқда!

Қаранг-а, изланиш, маслаклашиш билан шундай қулайликлар яратилди. Илгари туман марказида битадиган ишларимизнинг аксарияти эндиликда шу ернинг ўзида ҳал бўлаёпти. Бунинг учун тадбиркорга ҳам, банкка ҳам ташақкур айтмоқдамиз! Қолаверса, мажмуада маҳалламизнинг 17 нафар фуқароси доимий иш билан таъминланган.



ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмомил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамажон ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вази-фасон бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Кабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибхона — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — А.ЙЎЛДОШЕВ. Навбатчи — Ф.ХИДИРОВ

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgazeta.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Милитри ва ахборот агентлиги томонидан 0018 роқами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ— 500. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 12447

Босишга топшириш вақти — 21.30 Босишга топширилди — 22.30

1 2 1 5

ЎЗУМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки
(очик ақциядорлик жамияти)

қуйидаги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

миллий валютада

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

хорижий валютада

«ИШОНЧЛИ»
(АҚШ долларарида)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	376	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

«Асака» банк (ОАЖ) — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

ЭЪЛОН

“2-Автобус саройи” ОАЖ

“Мерседес-Бенц”, “Исузу” русумли автобусларга “Д” тоифага эга 60 ёшгача, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳайдовчиларни ишга тақлиф қилади. *Ойлик иш ҳақи 800 000 сўм.*

Шунингдек, чиптачиларни ҳам ишга тақлиф қилади. *Ойлик иш ҳақи 350 000 сўм.*

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60, кадрлар бўлими 296-55-52
Манзил: Паркент кўчаси, 263.

ОБЪЯВЛЕНИЕ
ОАО “2-Автобус саройи”

Срочно производит приём водителей категории “Д” с оплатой 800 000 сумов в месяц в возрасте до 60 лет с городской пропиской на автобусы марки “Мерседес-Бенц”, “Исузу”.

А также кондукторов с оплатой 350 000 сум.

За справками обращаться по телефонам: 296-32-60, отдел кадров 296-55-52
Наш адрес: ул. Паркентская, 263.